

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХУДАЙКУЛОВА ГУЛНАРА КАРИМОВНА**

**ПЕРИНАТАЛ ОИВ-ИНФЕКЦИЯ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА**  
**ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) abstract of dissertation**

**Худайкулова Гулнара Каримовна**

Перинатал ОИВ-инфекция..... 3

**Худайкулова Гульнара Каримовна**

Перинатальная ВИЧ-инфекция..... 29

**Khudaykulova Gulnara Karimovna**

Perinatal HIV-infection..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХУДАЙКУЛОВА ГУЛНАРА КАРИМОВНА**

**ПЕРИНАТАЛ ОИВ-ИНФЕКЦИЯ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА**  
**ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.1.DSc/Tib8 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифаси [www.tma.uz](http://www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Тўйчиев Лазиз Надирович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Мусабаев Эркин Исакович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Атабеков Нурмат Сатиниязович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шамансурова Элмира Аманнулаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Академик И.П. Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург Давлат Тиббиёт университети (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: +99871-150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru))

Докторлик (DSc) диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

**Б. Х. Шагазатова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

**Т. А. Даминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор, ЎзРФА академиги

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда ОИВ (одам иммунтанқислиги вируси) аҳолининг турли қатламлари орасида учрайдиган энг асосий муаммолардан бири ҳисобланиб келмоқда. БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича UNAIDS бирлашган дастурининг маълумотларига кўра, жаҳонда ОИВ-инфекциянинг 78 миллион ҳолатлари, 2016 йилда ОИВ билан зарарланган 36,7 млн одам аниқланган, улардан 1,8 млн – 15 ёшгача<sup>1</sup> бўлган болалар ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданок оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасида ОИВ билан зарарланишнинг янги ҳолатларини аниқлаш бўйича мақсадли клиник-ташқилий тадбирларни амалга ошириш, ОИВ-инфекциянинг онадан болага ўтишини олдини олиш дастурини–самарали амалга оширилиши натижасида болаларда ОИВ билан зарарланиш даражаси 2 %гача<sup>2</sup>, болалар ўлими эса 3,1 мартага камайди.

Жаҳонда ОИВ-инфекцияси билан зарарланган болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бу борада, ОИВ перинатал йўл билан юқишининг асосий хавфли омилларини аниқлаш ва уларни олдини олиш ва бартараф этишининг самарадор усулларини ишлаб чиқиш; чақолоқлик даврида ОИВ билан зарарланишнинг илк ташхислаш алгоритмининг такомиллаштириш; ОИВ билан болаларни турли йўллар билан зарарланишини вирусологик, клиник ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзига хос қонуний хусусиятларини аниқлаш; ОИВ-инфекциясини перинатал йўл билан юқишини ретровирусга қарши (РВҚ) дори воситаларни турли комбинацияларни ОИВга сезгирлигини ўрганиш; юқиш йўлларни инобатга олган ҳолда болаларла ретровирусга қарши даволашнинг (РВҚД) тактикасини оптималлаштириш; онадан болага ОИВ-инфекцияни ўтишини олдини олиш дастурини (ОБООД) такомиллаштириш; ОИВ инфекциясини болалар орасида нозокомиал ўчоқлардан авж олишини олдини олиш ва тўхтатиш; перинатал йўл билан ОИВ юқтирган беморларда ретровирусга қарши даволаш ва реабилитацион чора-тадбирларни замонавий ишончли тизимини ишлаб чиқиш ва соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш кабилар алоҳида ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-353 сонли «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик ОИВ инфекцияси тарқалишига нисбатан курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар маҳкамасининг 2008 йил 26 декабрдаги 1023-сонли «Ўзбекистон Республикасида ОИВ-инфекциясининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

<sup>1</sup> Global AIDS Update, UNAIDS, 2016

<sup>2</sup> De Cock K.M. et al. Prevention of mother-to-child HIV transmission in resource-poor countries: translating research into policy and practice. JAMA, 2000, 283(9):1175—1182.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Перинатал ОИВ-инфекциянинг клиник, иммунологик ва вирусологик ўзига хос хусусиятларини асослаш, эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Johns Hopkins University (АҚШ), University of the Witwatersrand (ЖАР), Pediatric Institute (Малайзия), Mahidol University (Таиланд), The University of New South Wales (Австралия), Columbia University (АҚШ), University Teaching Hospital (Замбия), University of Zimbabwe College of Health Sciences (Зимбабве), University of KwaZulu-Natal (ЖАР), Stellenbosch University (ЖАР), Institute of Child Health (Буюк Британия), Florence University (Италия), Emilio Ribas Institute of Infectious Diseases (Бразилия), University of Milan (Италия), University of Padua (Италия), Free University of Brussels (Бельгия), University of Barcelona (Испания), Иркутск давлат тиббиёт университети (Россия), Вирусология илмий-тадқиқот институти ва Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Перинатал трансмиссия хавф омилларини, ҳамда перинатал ОИВ-инфекция кечишини аниқлаш, ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга йўналтирилган, қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: профилактик аралашувлар ўтказилганда ва уларнинг йўқлигида ОИВ вертикал трансмиссиянинг даражалари белгиланган (Centers for Disease Control and Prevention (АҚШ), вертикал трансмиссиянинг даражасига таъсир қилувчи бир қатор хавф омиллари ажратилган (University of British Columbia, (АҚШ); University College (Буюк Британия); Public Health Directorate (Руминия); Johns Hopkins University (АҚШ), University of the Witwatersrand, (ЖАР), ОИВнинг онадан болага ўтишини олдини олиш стратегияси ишлаб чиқилган (WHO, UNICEF, CDC, UNFPA), инфекциянинг ўтиш йўлларига қараб, болаларда ОИВ кечишининг ўзига хос хусусиятлари асосланган, РВҚД бошланиш муддатлари ва болаларда даволаш режасини танлашдаги тактика, солиштирма самарадорлигини, даволашнинг самарасини пасайишига олиб келувчи ОИВ резистент штаммларининг шаклланиш сабабларини ўрганишга қаратилган тактикалар ишлаб чиқилган (Unité INSERM 593, Bordeaux, France; Paediatric European Network for Treatment of AIDS (PENTA), Agence Nationale de Recherche sur le Sida et les hepatitis virales (ANRS); International Maternal Pediatric Adolescent AIDS Clinical Trials Network (ИМРААСТ)).

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. [www.who.int](http://www.who.int); [www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed](http://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed), [www.highwire.org](http://www.highwire.org), <http://www.cochranelibrary.com>; <http://www.rsl.ru>; <http://www.biomedcentral.com>. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Дунёда ОИВ-инфекцияни болалар орасида тарқалишини ўрганишни такомиллаштириш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, ОИВ касаллигини олдини олиш чоралари мажмуасини мукамаллаштириш мақсадида худудий даражада перинатал трансмиссиянинг учраш хавф омилларини аниқлаш, болада ОИВни тарқалишини эрта аниқлаш, даволаш тактикасини бошлаш, ҳамда РВҚ дори воситаларга резистентликнинг шаклланиш хавфини камайтириш, ОИВ билан зарарланган болалар умрининг узайтириш ва сифатини оширишга қаратилган РВҚД тактикасини танлашга бўлган ёндошувларни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда хорижий адабиётларнинг келтирилган манбаларида перинатал трансмиссия хавфининг омилларини аниқлаш ва тенглаштириш масалалари кенг ёритилган (De Cock К. М., 2000; Nduati R.2000; Coutoudis A., 2001; Kreitchmann R., 2004; Barker P. M. и др., 2012). Ҳомиладорлик даврида боланинг ОИВнинг таъсир қилиш томонлари кам ўрганилган (Hofer С.В., 2009). Шунга яраша, онанинг номаълум ОИВ-мақомида неонатологларга ОИВнинг она қорнида ўтишини гумон қилиш ва болани ўз вақтида текширишга юбориш имконини берувчи аниқ клиник мезонлар йўқ. Аксарият тадқиқотлар болалик давридаги РВҚД тактикаси масалаларига бағишланган. ЖАР да ўтказилган CHER (Children with HIV Early Antiretroviral Therapy) рандомизалаштирилган тадқиқотда таъкидланишича, болаларда РВҚД бошлашни орқага суриш 4%дан 16 %гача ўлим ҳолатни ошиши олиб келган (Violari A., 2008). Сўнгги йилларда хорижий адабиётларда перинатал инфекция билан зарарланган болаларда, ОБООД мақсадида туғилган пайтдан уларни даволашда ишлатилган тескари транскриптазининг нонуклеозидли ингибиторлар (ТТНИИ) гуруҳидан бўлган препаратларга ОИВнинг доривор резистентлигининг шаклланиши масалаларига бағишланган айрим манбалар пайдо бўлди (Arrive E., 2007; Lockman S.,2007; Muslime V. ва бошқ., 2009).

Ўзбекистон Республикасида перинатал ОИВ-инфекцияси билан зарарланишни ўрганиш борасида комплекс тадқиқотлар ўтказилмаган. Бироқ ОИВ билан зарарланишининг педиатрия масалаларига бағишланган атига битта илмий иш мавжуд (О.В.Ким, 2012) бўлиб, унда боланинг зарарланиш йўллари кўрсатилмаган, ОИВ-инфекцияси билан зарарланган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг мультидисциплинар ёндошув йўллари кўрсатилган.

Бироқ ҳомиладорлик даврида касалликнинг болага юқишни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг амалга оширишни бошлашнинг оптимал муддатлари кўрсатилмаган, чақалоқларда ОИВнинг дифференциаллашган клиник белгилари ажратилмаган. Тадқиқотчиларда перинатал ОИВ-инфекция билан зарарланган болаларда касаллик кечишининг битта тўхтамли аниқ фикри аниқланмаган, ва шунингдек РВҚД билан даволаш схемаси ва даволаш тартибини бошлашнинг муддатларини аниқлашда қарама-қарши маълумотлари мавжуд. Ушбу йўналишдаги беморларни даволаш тартибининг замонавий алгоритм тактикасини ишлаб

чиқариш диссертация тадқиқотини ўз вақтида бажарилганлигидан далолат беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Атроф-муҳитнинг баъзи омилларини ҳисобга олган ҳолда, болаларда тарқалган вирусли ва бактериал инфекцияларнинг этиологияси, патогенези, кечиши ва оқибатлари, ташхисланиши, даволаниши ва олдини олишни мукамаллаштириш ўзига хос хусусиятларини ўрганиш» мавзуси ва АДСС 15.27.2 «Перинатал ОИВ- инфекцияли болаларни кузатиб бориш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш» (2013-2016 йй.) амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** касаллик кечишининг клиник-иммунологик ва вирусологик ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида, болалардаги перинатал ОИВ-инфекцияда ташхислаш, даволаш ва олдини олиш тадбирлари мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасида ОИВ билан зарарланиш перинатал йўлининг солиштирма оғирлигини ўрганиш ва ОИВ перинатал трансмиссиясига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш;

ОИВ нинг перинатал ўтиши рўй берган болаларда янги туғилганлик даври кечишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

оппортунистик касалликлар ва ко-инфекциялар тузилмаси ва кечиши табиатини аниқлаш, ҳамда перинатал ОИВ- инфекцияси бўлган болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланишини баҳолаш;

перинатал зарарланишда ОИВ-инфекция кечиши динамикасида иммунологик ва вирусологик кўрсаткичлар ўзгаришининг қонунийлигини белгилаш;

энг фаол ретровирусга қарши даволаш схемалари самарадорлигини ва уларнинг ОИВ билан перинатал зарарланган болалардаги клиник-иммунологик ва вирусологик кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш;

болалардаги перинатал ОИВ-инфекцияда олдини олиш, ташхислаш ва даволаш тадбирлари мажмуасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 610 нафар бемор, улардан 148 жуфти «ОИВ билан зарарланган ҳомиладор аёллар – унинг янги туғилган болалар» (тадқиқот давомида 1 нафар бола кузатувдан четга чиқди) ва 315 нафар ОИВ билан зарарланган болалар (187 нафар перинатал йўл билан зарарланган болалар ва 128 нафар – парентерал йўл билан зарарланган болалар) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** иммунологик ва вирусологик кўрсаткичларни ўрганиш учун веноз қон ва қон зардобини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларни ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда умумклиник, серологик, иммунологик, вирусологик ва статистик усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида биринчи бор перинатал инфекция билан зарарланишда болаларда ОИВ-инфекциянинг мажмуали клиник, иммунологик ва вирусологик тавсифи аниқланган;

ОИВ нинг вертикал трансмиссиясига таъсир қилувчи асосий хавф омиллари аниқланган (ҳам она тарафдан, ҳам бола тарафдан), ва ОБООД стратегияси доирасида олдини олиш тадбирларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

эрта неонатал даврда она қорнида инфекция билан зарарланиш ҳолатини гумон қилишга ва ОИВни эрта ташхислаш бўйича тадбирларни ўз вақтида бошлашга имкон берувчи, перинатал зарарланган болаларда янги туғилганлик даврдаги ўзига хос клиник белгилар аниқланган;

асосий оппортунистик касалликлар ва ко-инфекциялар тарқалганлиги, тузилмаси, ифодаланиш қонунийлиги, ОИВ билан перинатал зарарланган болаларда жисмоний ва руҳий-асаб ривожланиши ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

ОИВ-инфекциянинг табиий кечишида ва РВҚД ни ўтказиш давомида иммунологик ва вирусологик кўрсаткичлар динамикасининг қонунийлиги аниқланган;

ОБООД мақсадида, туғилганда РВҚ препаратларининг таъсирига йўлиққан, перинатал ОИВ-инфекцияси бўлган болаларда РВҚД турли схемаларининг самарадорлиги таҳлил қилинган, ҳамда даволаш тактикасини танлашга дифференциацияланган ёндашиш ишлаб чиқилган;

тадқиқотда аниқланган перинатал ОИВ-инфекция кечишининг клиник, иммунологик ва вирусологик ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ОИВ-билан зарарланган болалар ҳаёти сифатини яхшилашга қаратилган ташхислаш ва терапевтик тадбирлар мажмуаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ОИВ перинатал трансмиссиясини олдини олиш бўйича олдини олувчи тадбирлар мажмуасини эрта бошлаш асосланган (ҳомиладорликгача ёки ҳомиладорликнинг биринчи триместрдан бошлаб);

ОИВ мақоми номаълум оналардан туғилган янги туғилган чақалоқларда ПЗР усули билан ОИВ га эрта синовдан ўтказишнинг клиник мезонлари ишлаб чиқилган;

перинатал инфекция билан зарарланган болаларда РВҚДни бошлаш муддатлари ва унга кўрсатмаларни қайта кўриб чиқиш асослаб берилган (ЖССТ нинг таснифи бўйича касалликнинг клиник босқичидан ёки СД4+ лимфоцитлар сонидан қатъий назар, ҳаётининг 1–чи йилида).

перинатал инфекция билан зарарланган болаларда РВҚД схемасини танлашда, туғилганда олинган РВҚ-профилактикани ҳисобга олган ҳолда, дифференциациялашган ёндашув таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усул-

ларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, иммунологик, вирусологик ва статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилган. ОИВ-инфекциясини онадан болага юқишини олдини олиш, турли ёш катламларида перинатал ОИВ кечишининг ўта хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти ОИВ перинатал трансмиссиясининг барча бўлиши мумкин бўлган босқичларини маълум қилади, яъни–ҳомиладорлик, чақалоқлик даврида ОИВ нинг онадан болага трансмиссия хавфининг асосий омиллари ажратилган ва уларни бартараф қилиш бўйича чоралар таклиф қилинган. Шифокорларига эрта босқичларда ОИВнинг она қорнида юқишига гумон қилишга имкон берувчи асосий клиник маркерлар белгиланган, перинатал йўл орқали ОИВ билан зарарланган болаларда ОИВ кечишининг клиник, иммунологик ва вирусологик ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган, туғилганда олинган РВҚ-профилактикани ҳисобга олган ҳолда, болаларда РВҚД схемаларининг самарадорлиги баҳолаш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти перинатал ОИВ-инфекцияси бўлган болаларда РВҚД тактикасини танлашга бўлган тақомиллаштирилган ёндашишнинг асоси бўлди, бу эса даволашнинг клиник, иммунологик ва вирусологик самарадорлигини оширишга имкон берди, ОИВ нинг РВҚ дори воситаларга резистентлигининг шаклланиши хавфини камайтириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Перинатал ОИВ-инфекцияни олдини олиш ва даволашнинг самарали тизимини тақомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Перинатал ОИВ-инфекциясини болалар орасида тарқалишини камайтириш болаларнинг умрни узайтириш бўйича олинган илмий натижалар «Перинатал ОИВ-инфекцияси бўлган болаларда РВҚ-препаратлари схемасини танлашга бўлган дифференциациялашган ёндошиш йўли билан РВҚД самарадорлигини ошириш» услубий қўлланмаси асосида соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 02 февралдаги 8н-д/2 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма перинатал ОИВ-инфекцияси бўлган болаларда РВҚ дори воситалари схемасини танлашга РВҚД самарадорлигиги тақомиллаштиришни тақоза қилади.

Перинатал ОИВ-инфекциясини болалар орасида тарқалишини камайтириш, даволаш тизимини эрта бошлаш, болаларнинг умрни узайтириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон, Жиззах ва Хоразм вилоятлари ОИТСга қарши кураш марказларининг клиникаларида даволаш амалиётига жорий қилинган, тавсия қилган услуб Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йилдаги 81-сонли буйруғига киритилган «ОИВ инфекцияси бўйича миллий клиник баённомаларни амалиётга татбиқ этиш тўғрисида» ва «ОИВ-инфекцияни

даволаш ва олдини олиш учун РВҚ-препаратларидан фойдаланиш» буйруғига киритилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 04 ноябрдаги 8 д-з/83-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши РВҚД самарадорлигини оширишга, ҳамда РВҚ дори воситаларга резистентликнинг шаклланиши хавфини 4,5 барабар камай-тиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 16 та мақола, жумладан 14 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган, 185 бетдан иборат.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларнинг ОИВ билан перинатал зарарланишининг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида аёллар ва болалар орасида ОИВ-инфекция эпидемиологияси, ОИВ сабаблари ва перинатал трансмиссияси хавфининг омиллари, ОИВ бўйича перинатал алоқаси бўлган болаларда чақалоқлик даври кечишининг ўзига хос хусусиятлари, перинатал ОИВ кечишининг клиник-иммунологик ва вирусологик ўзига хос хусусиятлари, болаларда ОИВ ни даволашга бўлган замонавий ёндашишлар тўғрисидаги замонавий маълумотлар келтирилган. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида ишнинг долзарблиги ва танланган мавзу ишланмасининг зарурлиги асослаб берилган, шунингдек мазкур муаммони ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қилувчи қирралари белгилаб олинган

Диссертациянинг «**Клиник материаллар тавсифи ва тадқиқотда қўлланилган усуллар**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот материали ва усул-лари баён этилган. Тадқиқот 2007-2016 йилларда ўтказилган. Клиник материални тўплаш Республика педиатрия ИИАТМнинг туғруқ мажмуаси базасида (2007 - 2011 й.), Вирусология ИТИ нинг ОИВ-инфекция бўлимида

(2007 - 2016 йй.), ҳамда Республика ОИТС га қарши кураш маркази базасида (2007 - 2016 йй.) амалга оширилган. Тадқиқот объекти-610 нафар бемор маълумотлари бўлди, шу жумладан, ҳомиладорлар, уларнинг чақалоқлари ва ОИВ билан зарарланган болалар (1-расм).



1-расм. Беморларни кузатув гуруҳларига тақсимлаш

Тадқиқотнинг умумий дизайни – обсервацион лонгитудинал ҳисобланиб, қўйилган мақсадлар ва вазифаларга қараб, ишда турли хил тадқиқот турлари қўлланилган: ҳомиладорлик, туғруқ ва постнатал даврда ОИВ перинатал трансмиссияси хавфининг омилларини таҳлил қилиш учун– «ҳодиса-назорат»; перинатал ОИВ-инфекцияда чақалоқлик даврини тавсифловчи дифференциал-ташҳислаш клиник белгиларини аниқлаш учун, ҳамда перинатал ОИВ-инфекцияга хос клиник, иммунологик ва вирусологик хусусиятларни аниқлаш – кросс-секцион тадқиқот; болаларда перинатал ОИВ-инфекциянинг табиий кечишида иммунологик ва вирусологик кўрсаткичлар динамикасини, ҳамда РВҚД турли схемалари самарадорлигининг солиштирма таҳлилинини ўтказиш учун – когортли проспектив тадқиқот.

Тадқиқотда ЖССТ тавсия қилган ва болаларда ОИВ инфекцияда ёрдам кўрсатиш бўйича Миллий клиник протокол томонидан қатъий белгиланган услубиятлар қўлланилган (ССВнинг 30.03.2012 йилдаги 88-сонли «ОИВ-инфекцияси бўйича ЖССТнинг мослаштирилган миллий баённомаларини жорий қилиш тўғрисида» ги буйруққа илова).

ОИВ-статуснинг верификацияси стандарт ИФА усули, кейинчалик иммун блоттинг усули орқали тасдиқланган. CD4+ лимфоцитларнинг кўрсаткичи бўйича иммуносупрессия даражасини текшириш оқимли цитофлуометрия усули билан ўтказилган. ОИВ провирусли ДНК сини аниқлаш ва ОИВ РНК концентрациясини текшириш реал вақтда ПЗР усули билан амалга оширилган (PCR Real Time).

Болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланишини баҳолашда, болалар ривожланишининг стандарт кўрсаткичлари ишлатилган (яъни тана узунлиги/бўйи-ёши, тана вазни-ёши, тана вазни-тана узунлиги, тана вазни-бўйи ва тана вазни индекси (ТВИ)ни баҳолаш асосида амалга оширилган.

Ретровирусга қарши даво воситаларга (РВҚД) ОИВни резистентлигини аниқлаш мақсадида POI региониди ОИВни геномини секвестирлаш (Вирусология ИТИ қошидаги молекуляр-генетик ва экмаларни текшириш лабораториясида) олиб борилди.


Ишда математик статистикасининг стандарт усуллари Microsoft Excel дастурлари пакети VBA дастурлаш билан бирга қўлланилган.

Вариацион параметрик ва нопараметрик статистик усуллар ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ( $M$ ) қиймати, ўртача квадратик силжишлар ( $\sigma$ ), ўртача стандарт хатоси ( $m$ ), нисбий катталиклар (частота, %) каби усуллардан фойдаланилди. Олинган натижаларнинг ўртача қиймати ўртача катталиклар солиштирилганда Стъюдент критерияси ( $t$ ) бўйича, эхтимолий хатоликларни ҳисобланганда, бош дисперсия тақсимланиши (эксцесс критерияси бўйича) ва тенглигини меъёрланиши текширилганда (F–Фишер критерияси) аниқланди. Ҳисобланган критерияларни статистик қийматини баҳолаш учун, мувофиқ ахамиятли даражалар ( $P$ ) учун критик қиймат кўрсаткичлар ва жадваллардан фойдаланилди. Ўзгаришларни статистик қиймати бўлиб, тўртда асосий қиймат даражаси қабул қилинди: юқори –  $P < 0,001$ , ўрта –  $P < 0,010$ , паст (чегаравий) –  $P < 0,050$ , ахамиятсиз –  $P > 0,050$ .

Сифат катталиклар учун статистик қиймати  $\chi^2$  (Хи-квадрат) ва  $z$ -критерияси (Гланц С., 1998) ёрдамида ҳисобланган. Алохида хавф омиллари учун, имкониятлар муносабатининг кўрсаткичи ҳисобланган (ИМ). ИМ ахамиятини баҳолаш учун 95% ишончли интервал (ИИ) чегаралари ҳисобланган.

Диссертациянинг «**ОИВ перинатал трансмиссияси хавфининг омилларини таҳлил қилиш**» деб номланган учинчи бобида Республика ОИТС га қарши кураш марказининг ҳомиладор аёлларда ОИВ ни аниқлаш ва касаллик юқишининг перинатал йўли солиштира оғирлиги бўйича статистик маълумотлар таҳлили ўтказилган (2-расм).

Ушбу кўрсаткичларни қайд қилиш авжи 2009-2011 йилларга тўғри келган. Бу 2006 йилда, биринчи марта, ҳомиладор аёллар ва болаларни ОИВ га текшириш билан қамраб олишни амалга оширишни кўзда тутувчи, ОИВ-инфекциянинг онадан болага ўтишини олдини олиш стратегияси дастури (ОБООД) жорий қилиш билан боғлиқ.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида ОИВ-билан зарарланган ҳомиладор аёллар ва ОИВ билан перинатал зарарланиш йўлини қайд қилиш динамикаси

ОБООД стратегиясини муваффақиятли жорий қилиш туфайли, сўнги йилларда ОИВни перинатал йўл орқали зарарланишининг улуши 1% дан ошмаганлиги кузатилган.

Бирок, минтақада эпидемиологик аҳволнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутган ҳолда (аҳолининг ОИВ бўйича юқори кўрсаткичли мамлакатларга ташқи меҳнат миграциясининг юқори даражаси, ҳимоясиз аҳоли гуруҳлари орасида ОИВ қайд қилинишининг юқори кўрсаткичлари ва бошқ.), инфекция билан зарарланиш вертикал йўли аҳамиятининг ўсиб бориш хавфи сақланиб қолмоқда. Бунинг асосида ОИВ перинатал трансмиссиясининг амалга ошиши мумкин бўлган хавф омилларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, мавжуд бўлган профилактик чора-тадбирларни доимо такомиллаштириш тақоза қилади.

Шунинг учун, биз томондан ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврларда (эмизиш) ОИВ перинатал трансмиссиясининг энг аҳамиятли хавф омилларини аниқлаш бўйича тадқиқот уюштирилган.

Акушерлик анамнези маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 4 ва ундан кўп марта ҳомиладор бўлган ОИВ- билан зарарланган ҳомиладор аёлларда инфекцияни болага юқтириш эҳтимоли 2 баравар кўп (ИМ=1,943 (95% СІ 0,920-4,103), ҳамда анамнезда вақтидан илгари туғиш/бола тушиши ОИВ перинатал трансмиссиясининг юқори хавфи билан боғлиқ ва унинг амалга ошиши эҳтимолини 2 мартага оширади (ИМ=2,092 (95% СІ 0,955-4,580). Ҳақиқий ҳомиладорлик даврига тааллуқли маълумотларни таҳлил қилишда аниқланганки, хориоамнионит ривожланиши ҳолатида ОИВ


перинатал трансмиссиясининг эҳтимоли 1,5 бараварга ошган (ИМ=1,505 (95% СІ 0,654÷3,463).

Бизнинг маълумотларимизга кўра, болалари инфекция билан зарарланиб туғилган ОИВ-ижобий ҳомиладор аёлларда ОИВ нинг ўтиши парентерал йўлининг солиштирма оғирлиги деярли 2 марта юқори бўлган - 22% қиёсий гуруҳдаги 10,2% га нисбатан, бунда у кўп жиҳатдан наркотикларни истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган (асосий гуруҳдаги 8% қиёсий гуруҳдаги 2% га нисбатан), бироқ статистик таҳлилларнинг ишончли фарқлари кузатилмади ( $P > 0,05$ ).

Перинатал трансмиссия рўёбга чиққан аёлларда ОИВнинг ривожланган босқичлари кўпроқ қайд қилинган (3 босқич – 70% да ва 4 босқич – 6%, да тегишли равишда 35,7% ва 2% га нисбатан) ( $P < 0,001$ ).

Болалари соғлом туғилган, биз текширган аёлларнинг кўпчилигида (77,6%), CD4+ лимфоцитлар миқдорининг бироз камайиши (350-500 кл/мл) ( $P < 0,001$ ) ёки уларнинг меъёрий миқдори (500 кл/мл дан юқори) қайд қилинган ( $P < 0,05$ ), асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич атиги 20%ни ташкил қилган. Бу асосий гуруҳдаги аёлларнинг РВҚП билан паст даражада камраб олиниши, ҳамда препаратларга паст тарафдорлик билан тушунтирилади ва бу иммун тизими жавобининг сезиларли пасайиши, вируснинг кучайган репликацияси ва унинг янги туғилган чақалокқа трансмиссияси учун қулай шароитлар яратилишига сабаб бўлди.

Таdqикотларимиз натижаларидан кўриниб турибдики, перинатал трансмиссиянинг асосий хавф омилларидан бири – ҳомиладор аёлда туғруқ пайтида ОИВ РНК концентрациясидир (3- расм).




3-расм Ҳомиладор аёлларда туғруқ пайтида ОИВ РНК концентрациясининг кўрсаткичлари

Олинган маълумотларга кўра, 1000-10000 га тенг вирус концентрациясининг даражаси чегаравий миқдор бўлиб, унинг ортиб кетишида ОИВ нинг вертикал юқиш хавфи кескин даражада оширади. Асосий гуруҳдаги аёлларнинг ярмидан кўпи (62%) 50 000 нусха ва ундан юқори ораликдаги ВЮ га эга бўлганлар.

Тадқиқотларимиз юқори статистик ишонччилик билан шуни кўрсатадики, ОИВ перинатал трансмиссиясининг хавфи, ҳомиладор аёлларда ОИВ-ижобий мақомининг кеч аниқланиши билан боғлиқ бўлган (3 триместрда ва туғруқ пайтида) ( $P < 0,001$ ). Асосий гуруҳда ОИВ нинг кеч аниқланиши ярим ҳолларда рўй берган, қиёсий гуруҳда эса бу кўрсаткич атиги 3,1% ни ташкил қилган (3 ҳомиладор аёл). ОИВ кеч аниқланиши РВҚП ни кеч бошлашга, ва демак, вируснинг онадан болага трансмиссиясининг юқори хавфига сабаб бўлган.

Соғлом болаларни туққан барча аёллар РВҚП ёки РВҚД олган, бунда дориларни ҳомиладорликнинг турли муддатларида ёки туғруққача қабул қилишни бошлаганлар. Асосий гуруҳда РВҚП ни фақат ҳар бир тўртинчи аёл олган (28% кузатилувчи), бу шак-шубҳасиз, ОИВ нинг вертикал трансмиссияси суръатига таъсир кўрсатган. РВҚП курсини бошлаш муддати ҳам муҳим ҳисобланади (4-расм).



4-расм. ОИВ билан зарарланган ҳомиладор аёлларга РВҚП ни бошлаш муддатлари

ОИВнинг рўёбга чиқмаган перинатал трансмиссия бўлган ҳомиладорлар гуруҳида 49% аёллар РВҚПни ҳомиладорликнинг ёки 14 ёки 24 ҳафтасидан қабул қилишни бошлаганлар, асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич атиги 5,5% ни ташкил қилган (бунда, ҳеч бир аёл РВҚП ни 14 ҳафтадан бошламаган).

Ҳомиладор аёл томонидан РВҚ- препаратлари билан ўтказиладиган профилактик тадбирларига бўлган тарафдорликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларимизга кўра, РВҚП ни қабул қилишга паст

тарафдорлик (41,7% асосий гуруҳда ва 21,4% қиёсий гуруҳда) ишончли равишда ( $P < 0,001$ ) ОИВ перинатал трансмиссиясининг юқори хавфи билан боғлиқ бўлган.

Таққосланадиган гуруҳда кўпчилик ОИВ билан зарарланган аёлларда туғдириш Кесерча кесиш ёрдамида ўтказилган (84% - асосий гуруҳда ва 89,8% - қиёсий гуруҳда). Табиий йўл орқали (қин орқали) туғишларнинг солиштирма оғирлиги, рўёбга чикқан ОИВ перинатал трансмиссияси бўлган аёллар гуруҳида 16% ни ташкил қилган, қиёсий гуруҳдаги 10,2% га нисбатан. ИМ ҳисоб-китоби шуни кўрсатдики, қин орқали туғишлар ОИВ перинатал трансмиссиясини 1,7 бараварга оширади. Шунингдек, инфекция билан зарарланган болаларни туққан аёллар гуруҳида вақтидан илгари қин орқали туғишлар кўпроқ қайд қилинган (6%), 34% аёлларда эса туғдириш меъёрий ҳужжатлар билан тавсия қилинганларга тўғри келмаган муддатларда кесерча кесиш ўтказиш билан амалга оширилган (38 ҳафтагача, ҳамда 40 ҳафтадан кечроқ), бу эса ОИВ перинатал юқишнинг юқори хавфи билан боғлиқ бўлган.

Туғишлар давридаги қуйидаги патологик ҳолатлар ҳам боланинг инфекция билан зарарланиш эҳтимолини ишончли равишда оширган: қон оқишлар—1,5 мартага (95% ДИ 0,501–4,693), узоқ муддатли сувсизлик даври - 3,2 мартага (95% ДИ 0,860–11,934); туғиш давридаги жарроҳлик аралашувлари—4,2 мартага (95% ДИ 0,737 – 23,624).

Чақалоқлар томонидан хавф омилларини таҳлил қилишда аниқланишича, 4-ҳафталик профилактик курсни олган болаларга қараганда, туғилгандан кейин РВҚП нинг бир ҳафталик курсини олган болалар инфекция билан камроқ зарарланган (69,4% га нисбатан 28,6%). Ёки ҳомиладор аёл профилактик РВҚ-препаратлар олмаган, ёки уларни белгиланган муддатлардан кечроқ қабул қилишни бошлаган ҳолларда 4 ҳафталик курс тайинланади. Шундай қилиб, янги туғилганлар томонидан РВҚП олиш муддатларининг узайтирилиши ҳам ОИВ перинатал трансмиссияси хавфларини тенглаштирмайди ( $\chi^2 = 29,01$ ,  $P < 0,001$ ).

Шунингдек, натижаларимизда кўкрак сути билан эмизилаётган болаларда, сут аралашмаларини истеъмол қиладиган болаларга нисбатан, ОИВ билан зарарланиш эҳтимоли 4,7 марта кўпроқ эканлигини аниқланди (ИМ=4,694 (95% СІ 1,733-12,718)).

Диссертациянинг «**Перинатал ОИВ-инфекцияси бўлган болаларда чақалоқлик даври кечишининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида боланинг она қорнидалиқ даврида ОИВ билан зарарланишини яққол кўрсатувчи клиник белгилари таҳлили натижалари келтирилган.

Бизнинг маълумотларимизга кўра, ҳам касал бўлган янги туғилганлар гуруҳида, ҳам касал бўлмаганлар гуруҳида етилган болалар бўлиб, иккала кузатув гуруҳларида статистик ишончли фарқларни аниқланмади ( $P > 0,05$ ).

Туғилгандан кейин бир дақиқа давомида Апгар шкаласи бўйича янги туғилганлар ҳолатини баҳолаш иккала кузатув гуруҳларида аҳамиятга эга бўлган ишончли фарқларни кўрсатмади ( $P > 0,05$ ). Зарарланмай туғилган

болалар гуруҳида юқори баллар (8 ва ундан юқори) 1,5 мартда кўпроқ қайд этилди ( $P < 0,01$ ). Мазкур кўрсаткич бўйича зарарланган болаларда фақрловчи белги бўлиб Апгар шкаласи (5дан 7 баллгача) бўйича ўртача балларнинг 40,8% юқори нисбий хажми солиштирма гуруҳга 21,4% қарши бўлиб ҳисобланди ( $P < 0,05$ ).  $\chi^2$ нинг юқори кўрсаткичларини ҳисобга олганда, эҳтимол ушбу фарқлар нафақат ОИВ таъсирида, балки бошқа омиллар (онадаги ёндош касалликлар, ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари ва бошқалар) билан тушунтирилади.

Аҳамиятли статистик фарқлар бола туғилганидан кейин 5 дақиқа давомида Апгар шкаласи бўйича балларни таҳлил қилишда аниқланган.

ОИВ-билан зарарланиб туғилган болалар гуруҳида туғилгандан кейин 5 дақиқада 12,2% ҳолатларда 5 дан 7 баллар оралигида сакланган ( $\chi^2 = 12,51$ ,  $P < 0,001$ ), киёсий гуруҳда эса 99% болаларда баллар йиғиндиси меъёрлашган, яъни 8 баллдан ошган ( $\chi^2 = 9,08$ ,  $P < 0,01$ ). Кўрсаткичларнинг юқори статистик натижаларини ҳисобга олган ҳолда, ҳомила ичида узок муддат мулоқот натижасида боланинг мослашув механизмларига ОИВнинг салбий таъсири ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Перинатал асоратларни қайд қилиш суръатининг таҳлили шуни кўрсатадики, ОИВ перинатал трансмиссияси рўёбга чиққан чақалоқларда асфиксия ва нафас олиш фаолияти бузилишининг ривожланиш имкониятлари соғлом туғилган болаларга қараганда анча юқори, тегишли равишда 3,2 ва 4,6 марта.

Бизда олинган маълумотларга мувофиқ, туғилганда тана вазнининг кўрсаткичи–перинатал инфекция билан зарарланган болаларни соғ болалардан фарқловчи маъқул дифференциал белгиси. Масалан, ОИВ перинатал трансмиссияси рўёбга чиққан болаларда тана вазнининг жуда паст кўрсаткичлари қайд қилинган (2500 гр дан кам), 18,8% ҳолатлар киёсий гуруҳдаги 6,1% га нисбатан (яъни 3 марта кўпроқ) ( $P < 0,05$ ). 2500-3000 гр. чегарасидаги нисбатан паст кўрсаткичлар ҳам кўпроқ инфекция билан перинатал зарарланган болаларга хосдир (35,4% - 22,4% га нисбатан). Умуман, ушбу кўрсаткич бўйича орқада қолиш 54,2% - инфекция билан зарарланган ва 28,5% - инфекция билан зарарланмаган чақалоқларда аниқланган.

Шу билан бирга, туғилганда тана узунлиги кўрсаткичларини таҳлил қилишда биз томондан статистик фарқлар аниқланмади, кўпчилик болалар меъёрий кўрсаткичлар билан туғилган. Чамаси, бу ОИВ нинг ҳомилага секин таъсири билан тушунтирилади.

Бош ва кўкрак қафаси айлана ўлчамларини баҳолашда, қутилиши мумкин бўлган ОИВ перинатал трансмиссиясининг мезони сифатида уларнинг маълумот берувчи аҳамияти аниқланган. Бош айлана ўлчамининг жуда паст кўрсаткичлари (32 см ва ундан кам) рўёбга чиққан перинатал трансмиссияси бўлган болаларда ишончли равишда кўпроқ қайд қилинган (жами–14,4% ҳолларда назорат гуруҳидаги 6,1% га нисбатан). Кўкрак қафаси айлана ўлчамларининг паст кўрсаткичлари (28-30 см ва 28 см дан кам) инфекция

билан зарарланган болалар учун ҳам кўпроқ хос бўлган ва қиёсий гуруҳ кўрсаткичларидан ўртача 2 мартага ошган.

Шундай қилиб, туғилгандаги тана вазни, бош ва кўкрак қафаси айлана ўлчамлари кўрсаткичларининг четга оғиши, ҳамда 5 дақиқадаги Апгар шкаласи бўйича баллар йиғиндисининг камайиши кўринишида ифодаланувчи, мослашиш имкониятларининг пасайиши, ОИВ бўлиши мумкин бўлган вертикал трансмиссиясига кўрсатувчи тахминий белгилар бўлиб хизмат қилиши, ва ПЗР усули билан ОИВ нинг эрта ташҳисотига юбориш учун мезонлар сифатида ишлатилиши мумкин, айниқса ОИВ-мақоми ноъмалум оналардан туғилган болаларда.

Аниқланган қонуниятлар чақалоқларда ОИВ нинг эрта клиник ташҳисоти алгоритмининг асосида ётади (5-расм).



5-расм. Чақалоқларда перинатал ОИВ-инфекциянинг эрта клиник ташҳисоти алгоритми

Диссертациянинг «Перинатал инфекция билан зарарланган болаларда ОИВ-инфекция кечишининг клиник, иммунологик ва вирусологик ўзига хос хусусиятлари» деб номланган бешинчи бобида, болалик ёшида перинатал ОИВ-инфекция ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Таҳлил шуни кўрсатдики, инфекция перинатал йўл билан ўтган болаларда, парентерал йўл билан зарарланган болаларга нисбатан, касалликнинг қиёсий давомийлигида шубҳасиз, кўпроқ ОИВ-инфекциянинг 4-чи терминал босқичи қайд қилинади—30,5% асосий гуруҳ беморлари 18,8% қиёсий гуруҳ болаларига нисбатан ( $P < 0,01$ ).

Перинатал йўл билан зарарланган болаларда кўпинча қуйидаги ҳолатлар, яъни персистенцияланган тарқоқ лимфаденопатия (84%), ОИВ-энцефалопатия (15%) ишонарли қайд қилинган ( $P < 0,05$ ). Кардиомиопатия (4,8%) ва кулоқ атрофидаги сўлак безларини катталлашиши (7,0%) асосий гуруҳда кўпроқ учраб, ишончли фарқ аниқланмади ( $P > 0,05$ ). Шунингдек, 2,1% перинатал йўл билан зарарланган болаларда лимфоидли интерстициал

пневмония (ЛИП), ҳамда онкопатологиянинг турли шакллари сингари ОИВ салбий кечишининг предикторлари қайд қилинган, парентерал йўл орқали ОИВ билан зарарланган болаларда эса ушбу касалликлар кузатилмаган.

Тадқиқотга олинган ОИВ билан зарарланган болаларда, ярим ҳоллардан кўпида жисмоний ривожланишнинг (41,3%) бузилиши кузатилган. Болаларда касаллик юқишининг йўлига қараб, вазн кўрсаткичларидаги четга силжишлар қайд қилиниши суръатида статистик ишончли фарқларни аниқламадик ( $P>0,05$ ). -2 СО дан паст қиймат билан аниқланган жисмоний ривожланишнинг кечикиши (гипотрофия) 36,9% ва 39,1% асосий гуруҳ ва қиёсий гуруҳ болаларида тегишли равишда кузатилган. Биз томондан кахексия сифатида таърифланган озикланишнинг оғир бузилишлари (-3 СО дан паст) ўртача ҳар бир бешинчи ОИВ-билан зарарланган болада кузатилган (20,9% асосий гуруҳда ва 21,1% қиёсий гуруҳда), лекин иккала гуруҳ орасида деярли фарқ аниқланмади ( $P>0,05$ ). Чамаси, тана/вазн индекси кўрсаткичларига, ОИВ-инфекциядан ташқари, бошқа омиллар ҳам сезиларли таъсир қилган бўлиши, масалан ёндош касалликлар, микронутриентлар ва оила бюджетининг иқтисодий танқислиги ва бошқалар.


Тана бўйи/узунлиги кўрсаткичи перинатал инфекция билан зарарланган болаларда ОИВ-инфекция кечишининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашда энг маълумотга бой мезон бўлди. Масалан, 67,4% асосий гуруҳ болаларида бўй ўсишининг ўртача ва оғир кечикиши қайд қилинган (-2 СО ва -3 СО дан паст), парентерал йўл билан зарарланган болаларда эса бу кўрсаткичлар 30,5%ни ташкил қилган ( $P<0,001$ ).

Перинатал ОИВ инфекция билан зарарланган болалар гуруҳида асаб-рухий ривожланишни ўрганганда, ушбу кўрсаткичлар орқада қолган беморларнинг солиштирма оғирлиги, парентерал йўл билан зарарланган болаларга қараганда тахминан 2 баравар юқори бўлган ( $P<0,001$ ).

Кузатиш пайтига болаларнинг иммунологик ва вирусологик кўрсаткичларини таҳлил қилишда, инфекциянинг перинатал йўл билан юқиши хос бўлган қонуниятларни аниқлаш имкони бўлмади. Бу, танлаш тузилмаси таркибига РВҚДни олган ва уни олмаган болаларни қамраш орқали изоҳланади. Шу сабабли, перинатал инфекция билан зарарланган болаларда ОИВ-инфекция кечишининг ўзига хос хусусиятларини янада батафсил тавсифлаш мақсадида, биз томондан касалликнинг табиий кечишида (яъни ретровирусга қарши даволаш йўқлигида) СД4+ лимфоцитлар ва вирусли юклама (ОИВ РНК) кўрсаткичларининг динамикаси ўрганилган.

Кузатувга олинган болаларда, қуйидаги хронологик кетма-кетликда СД4+ лимфоцитлар ва вирусли юклама (ОИВ РНК) кўрсаткичларининг динамикаси: 1 қиймат – аниқланганда, сўнгра бола аниқлангандан/диспансер ҳисобига олингандан кейин 6, 12, 18, 24 ва 30 ой кейин қайтадан таҳлил қилинди.

Тадқиқотимизда дастлаб бола аниқланганда ва диспансер назоратига олинганда СД4+ лимфоцитлар кўрсаткичлари инфекция билан зарарланиш йўлига қараб ҳар хил бўлган (6-расм).




6-расм. Болаларда ОИВ-инфекциянинг табиий кечишида CD4+ лимфоцитлар кўрсаткичларининг динамикаси

Перинатал йўл билан зарарланган болаларда CD4 лимфоцитларнинг дастлабки ўртача қийматлари пастроқ бўлган ва ОИВ билан боғлиқ иммун танқислигининг ўрта ёки юқори даражасига мувофиқ бўлган (26%), киёсий гуруҳда эса бу кўрсаткич ўртача 30,3% ни ташкил қилган ва иммун танқислигининг енгил даражасига ёки унинг йўқлигига мувофиқ бўлган. Шунини таъкидлаш лозимки, тадқиқотни ўтказиш пайтида Республикада Миллий протокол амал қилган, унга асосан ҳомиладор аёлларда ретровирусга қарши профилактика 28 ҳафтадан бошланган (нари борса 24 ҳафтадан). Бу, асосий гуруҳ болаларининг бир қисми ОИВ билан она қорнида зарарланган ва туғилгандан кейин иммунологик жавоб реакциясининг издан чиқиш ҳолатига эга бўлган, деб тушунтирилиши лозим.

CD4+ лимфоцитлар кўрсаткичнинг кейинги хронологик таҳлили шунини кўрсатдики, қондаги лимфоцитлар ушбу субпопуляцияси пасайишининг тезлиги перинатал инфекция билан зарарланган болалар гуруҳида энг юқори бўлган. Масалан, кузатув бошланганидан 30 ойлик вақт оралиғидан кейин ўртача қиймат 14% ни ташкил қилган, бу эса боланинг ёшидан қатъий назар оғир иммуносупрессия кўрсаткичидир. Парентерал йўл билан зарарланган болалар гуруҳида 30 ойдан кейин CD4+ лимфоцитлар кўрсаткичи ўртача 23,4% ни ташкил қилган (ўртача иммун танқислиги).

Парентерал йўл билан зарарланган болалар гуруҳида иммун танқислиги авж олишининг пасайиши, эҳтимол шунини кўрсатадики, ушбу гуруҳда она қорнидаги даврда ва эрта чақалоқлик ёшида инфекция билан зарарланиш ҳолати бўлмаган, чунки иммун тизими бу пайтда етилмаган ва охиригача шаклланмаган. Шу сабабли, катта ёшдаги болаларда иммун тизимининг мослашув имкониятлари билан, ретровирусга қарши даволаш йўқлигида CD4+ лимфоцитлар даражасини янада юқори даражада ушлаб туришга ёрдам берувчи, бола иммунитетининг энг яхши мослашувчи имкониятлари билан ажралиб туради.

Инфекция билан зарарланиши турли йўл билан (7-расм) рўй берган болаларда вирусли юклама динамикасини солиштирганда, перинатал йўл орқали ОИВ билан зарарланган болаларда, қиёсий гуруҳ болаларига нисбатан ВЮнинг дастлаб жуда юқори даражалари аниқланди, қийматлар назоратга қараганда деярли 5 барабар ортиқ бўлган.



7-расм. Болаларда ОИВ-инфекциянинг табиий кечишида вирусли юклама динамикаси

Иккала гуруҳ болаларида касаллик авж олган сари қонда ОИВ РНК концентрациясининг ортиб бориши кузатилган, бироқ иккала гуруҳда ҳам ВЮ кўрсаткичлари тенглашмади. Кузатув бошланганидан 30 ой ўтгандан кейин асосий гуруҳдаги ВЮ кўрсаткичлари қиёсий гуруҳнинг кўрсаткичларидан ўртача 2 марта ошди.

Шундай қилиб, перинатал ОИВ-инфекциясининг нохуш кўрсаткичлари ва вирусли юклама авж олиши суръатлари билан ажралиб туради, бу эса ўз навбатида касалликнинг салбий оқибатларининг юқори хавфини белгилаб, РВҚД ни янада эртароқ бошлаш мақсадга мувофиқлигини асослайди.

Диссертациянинг «Перинатал ОИВ-инфекцияси бўлган болаларда РВҚД самарадорлигини баҳолаш» деб номланган олтинчи бобида, у инфекция юқиши йўлини ҳисобга олиб, болаларда РВҚДни такомиллаштириш бўйича ёндошишларни ишлаб чиқишга бағишланган.

Бизнинг маълумотларимизга биноан, ОИВ билан зарарланган болаларни қамраб олиш даражаси жуда юқори бўлган – 222 бола (юқиш йўлидан қатъий назар) (69,8 %), улардан 125 перинатал инфекция билан зарарланган болалар ва 97 парентерал йўл билан зарарланган болалар. Лекин ушбу кўрсаткич ОИВ-ижобий болаларни РВҚДни қамраб олиш бўйича умумий манзарани акс эттирмайди, чунки тадқиқотга киритилган аксарият болалар шифохона шароитида даволанишда бўлиб, ОИВ-инфекциянинг мукамал клиникасига, ва шунга яраша, РВҚД ни тайинлашга клиник ва иммунологик кўрсатмаларга

эга бўлган. Кўпчилик болалар РВҚД ни 1 - 6 ой ва 6 - 12 ой давомида олган. Перинатал инфекция билан зарарланган болалар гуруҳида 12 ойдан ортиқ РВҚД ни олган беморлар миқдори 9,1% ни ташкил қилган, парентерал йўл билан зарарланган болалар гуруҳида эса бу кўрсаткич ундан юқори бўлиб, 27,3% ни ташкил қилган.

